



## ЗАМОНАВИЙ МАСЖИДЛАРНИ ЛОЙИХАЛАШНИНГ УСЛУБИЙ АСОСЛАРИ ВА ФУТУРОЛОГИК ЖИХАТЛАРИ

Sultanov Akram Namazbayvich

Independent researcher

Samarkand city (Uzbekistan)

Samarkand State Architectural and Construction Institute

<https://doi.org/10.5281/zenodo.6629687>

### ARTICLE INFO

Received: 28<sup>th</sup> May 2022

Accepted: 02<sup>nd</sup> June 2022

Online: 05<sup>th</sup> June 2022

### KEY WORDS

Жамоат намози,  
ибодат, макка, масжид,  
исломий ёзувлар,  
хаттотлик, Реннесанс.

### ABSTRACT

*Мақолада Ислоннинг каноник талаблари ва уларнинг диний макон-масжиднинг шаклланишига таъсири ўрганилган, замонавий Ислон масжидининг тузилиши аниқланган, келажакдаги масжидлар архитектурасини шаклан-тиришнинг футурологик жиҳатлари ва техник имкониятлари очиб берилган*

Ислон маданиятининг эзгу-ғояларини кенг тарғиб этиш ва Аллоҳга ибодат қилиш маркази ҳисобланган масжидлар ва уларнинг анъанавий ва замонавий архитектурасини ўрганиш, янги масжидларни лойиҳалаш ва яратиш давримизнинг долзарб масалаларидан биридир. Зеро, ҳозирги даврда Мустақиллигимиз инояти билан халқимизнинг иймони ва диний эътиқодини мустаҳкамлаш билан бир қаторда янги масжидлар қурилиши кенг қулоқ ёймоқда. Бироқ, уларнинг меъморий лойиҳалашнинг услубий асослари ва футурологик жиҳатлари шу чоққача илму-фанда кам даражада ўрганилган. Замонавий масжидлар архитектурасига эътиборини қаратган Ўрта Осиёлик олимлардан С.Ш.Садикова, Қ.Муҳаммадиев, А.С.Ураловларни кўрсатиш мумкин холос. Республикамизда қурилаётган масжид бинолари бўйича ҳозирда ҳеч қанақа меъморий-ҳуқуқий ҳужжатлар йўқлигини ҳисобга олсак, мазкур

мақола мавзусининг долзарблиги янада ойдинлашади.

**Асосий қисм.** Каноник намоз-салот (Араб."ас-салот"- "намоз"; форс тилида "намоз") Пайғамбар ҳаёти давомида ишлаб чиқилган қатъий белги-ланган қоидалар асосида амалга оширилади. Бу қоидалар ибодатларни такрор-лаш ва Муҳаммад бажарган баъзи ибодат ҳолатлари ва ҳаракатлардан фойдаланишни ўз ичига олади.

Намоз ибодатининг 4 даражаси мавжуд. Биринчиси, жамоат ичида ўқили-ши мумкин бўлган, лекин одатда яқка тартибда ўтказиладиган пешин намозидир. Иккинчиси, жума куни тушдан кейин ўқиладиган жамоат намози бўлиб, бу кун тушлик ўрнини босади. Учунчиси, икки буюк байрам муносабати билан ўтказиладиган умумий ибодат: Ийд-ал-Фитр (рўзани тўхтатиш) ва Ийд-Ал-Адҳа (Иброҳим қурбонлиги). Тўртинчиси, Маккага ҳаж қилиш, унда бутун дунёдан мусулмонларни тўплаб ибодат



қилишдир. Ибодатнинг ушбу 4 даражаси ўсиб бориш тамойида қурилган:

*биринчиси*–хусусий, *иккинчиси*–жамоатлашган, *учинчиси*–шаҳарнинг бутун аҳолиси ибодати ва охиргиси–бутун мусулмон дунёсининг ибодати[1]. Ушбу даражаларнинг барчаси, тўртин-чисидан ташқари, ўзининг тегишли муқаддас ибодат жойига эга ва масжидларнинг қуйидаги асосий турларини белгилайди:

**Биринчи тури**–хусусий тарзда ибодат учун масжид ("масжид" бу сўзма-сўз "сажда қилинадиган жойдир"). Бу масжидда Имом томонидан кундузги намоз ўқилади. Масжидда минбар йўқ, чунки у фақат жума намози хизматлари учун керак.

**Иккинчи тури**–Жума масжиди (ҳафтанинг жума кунлари пешин вақтида жамоа билан ўқиладиган намоз учун). Шу куни Имом намоз олдидан минбардан туриб жамоага қисқа хутба маросимини ўтказди.

**Учинчи тури**–шаҳар атрофидаги "мусалло" (номозгоҳ) масжиди (ибодат жойи ёки "идҳан" (Ийд жойи) – бу масжиднинг қибла девори, меҳроби ва улкан ҳовлисидан бошқа ҳеч нарсаси бўлмайди. Намоз улкан очиқ майдонда ўқилади, бошқача қилиб айтганда, у соддалаштирилган умумжамоа масжиди.

Мусулмонларнинг диний биноси масжиднинг асосий фарқларидан бири–бу ҳар қандай масжид лойиҳасининг ҳал қилувчи элементи бўлган кўринмас ўқ-қибла бўйлаб бино қуришдир. Ҳар бир масжидда қиблага қаратилган меҳроб ўрнатилади, у мусулмонлар аҳлининг асосий белгиси, унга кўра бутун дунё мусулмонлари Макка йўналишига қараб ибодат қилишади.

Шундай қилиб, дунё мусулмонларининг барча диний бинолари кўринмас ўқга, яъни Маккага йўналтирилган бўлиши керак ва бу ҳар қандай масжид лойиҳасининг асосий шартидир. Масжид намозхонининг марказий нигоҳида бўлган меҳроб–бу ўша кўринмас ўқнинг моддий ифодасига айланган[2].

Ибодат жойларини эркак ва аёлларга кўра ажратиш амалиёти Ўрта Ер денгизи мамлакатлари маданияти, Яқин Шарқ, яхудий, Шарқий насроний ва Ислом диний анъаналарида чуқур илдиз отган[6]. Ибодат пайтида Жинсларни ажратиш ғояси бир-бирини чалғитмаслик учун зарур деб ҳисобланади, ёки аниқроғи, масжидда аёлнинг борлиги эркакларни чалғитмаслиги керак деган тушунчадан келиб чиқади[2].

Масжид қуришнинг замонавий амалиётида ҳам аёлларнинг мусулмон жамиятидаги мавқеи ҳисобга олинади ва уларга масжидларда намоз ўқиш учун жой олиш ҳуқуқи берилган. Замонавий қурилиш амалларида масжид таркибига аёллар учун махсус жой ёки галереяни киритиш, шунингдек алоҳида кириш ва таҳорат олиш шартлари кўзда тутилган. Қадимги ва ҳозирги масжидларда жуда кам учрайдиган бундай жой ва галереялар, масалан, замонавий Наум масжидида бўлгани каби, ҳамма жойда пайдо бўлиши шубҳасиз ҳақиқатдир: Жакарта, (Индонезия, 1977 йилда қурилган) ёки Эронда Жондишапур универ-ситети масжиди, (1975 йилда қурилган)[7].

Масжидларни қуришнинг ислом мамлакатлари ички амалиётида ибодат қиладиган аёллар учун махсус жойлар ҳам мавжуд. Масалан, Олмаотадаги



вайнах жамоасининг масжидида аёллар учун ибодат зали подвалда жойлашган бўлиб, жума куни намозини трансляция қилиш учун масжид биноси замонавий аудио-визуал ускуналар билан жиҳозланган[2].

Шундай қилиб, ҳар бир масжид лойиҳасида аёлларнинг ибодат қилишлари учун зарур жойларнинг бўлишлигини таъминлаш керак (бу автоном ибодат зали ёки балкон ва галереялардаги хоналар бўлиши мумкин).

“Ас салот” (каноник ибодат)ни амалга оширишнинг биринчи зарур шarti ҳар бир мусулмоннинг таҳоратли бўлишлигидир. Таҳоратсиз бажариладиган ҳар қандай ибодат тақиқланади ва ўз қувватини йўқотади. Демак, ҳар бир масжид лойиҳасида эркак ва аёллар учун таҳорат хоналарини ташкил этиш зарур шартдир.

Ислом Аллоҳни инсонга ёки бошқа тирик дунёвий мавжудотларга ўхшатишга ҳеч қачон рухсат бермаган. Шу боисдан масжидлар ва бошқа ислом дини биноларининг деворлари ва шифларига тирик мавжудотлар сувратларини ишлаш қатъий ман этилган. Учта жаҳон динларидан – буддизм, христианлик, ислом-фақат охиргиси ўз ғояларини тарғиб қилиш учун тасвирий санъат асарларини қўллаш ва фойдаланишдан бош тортган[4]. Тасвир эмас, балки ёзув ёки график рамз шаклида бадий безатилган сўз Ислом диний ғоясининг асосий ташувчисига айланган. Хаттотлик ва безак Ислом диний биноларини декоратив безашнинг асосига айланган элементлар бўлиб, уларни христиан католик

черковларидан сезиларли даражада ажратиб туради.

Ҳозирги вақтда Ислом диний анъаналарига кўра замонавий масжидни безашнинг асосий элементлари ҳанузгача наққошлик ва хаттотлик (эпиграфия) ҳисобланади. Шу боисдан маҳаллий меъморлар масжид безакларини ишлашда қуйидаги ижодий йўналишлардан фойдаланишлари мумкин:

–Ислом диний меъморчилигининг кўп асрлик тажрибасига таяниш. Бу тарихий декоратив элементлар (исломий ёзувлар, гириҳ, ислимий нақшлар, панжаралар, муқарнаслар, тоқлар)нинг тўғридан-тўғри ўхшатмаси бўлиши мумкин;

–Стилизация йўналиши, яъни янги қурилиш технологиялари ва матери-алларидан фойдаланган ҳолда тарихий рамзий безатиш тизимларини талқин қилишга асосланиш;

–Ибодат маконини безашда миллий анъаналарга тенг даражада риоя қилиш ва мурожаат қилиш.

Масжидни лойиҳалашда биринчи талаб–бу унга тўғри жой танлашдир. У экологик ва маънавий тоза ифлосланмайдиган ҳудуд (масалан, алкоғоли ичимликлар ишлаб чиқарадиган заводлар, тунги қаҳвахоналардан узоқда) жойлашган бўлиши ва ибодат қилувчиларнинг нигоҳи Маккага юзланган тарзда жойлашган бўлиши керак (Индонезия мусулмонлари юзи билан ғарбга, сурияликлар жанубга, Ўзбекистонлик мусулмонлар эса жануби–ғарбга ва ҳаказо). Масжиднинг поли тоза ва кераксиз нарсалардан ҳоли бўлиши керак. Масжидларда стуллар ва скамейкалар йўқ, намоз ўқувчилар усти



гилам жойнамоз билан қопланган полда ибодат қилишади. Масжиднинг ички безаклари ибодат қилувчиларнинг эътиборини ўзига кескин жалб қилмайдиган анъанавий нақшлар (гирих, ислимий, аралаш, ёзувий, муқарнас) билан, шу жумладан, Куръон оятлари ёки хаттотлик билан ёзилган Аллоҳ, Муҳаммад исмлари билан ифодаланиши зарур[4].

Намоз майдони тўғри жиҳозланган таҳорат майдонига улашган бўлиб, унда эркаклар ва аёллар учун алоҳида бўлимлар мавжуд бўлиши, у ерда тоза сув, ҳожатхоналар ва ахлат қутилар мавжуд бўлиши керак. Қоида тариқасида, ташриф буюрувчига ибодатга муносиб кийим кийиб, пойабзалини ечиб олиш шарти билан масжидларга киришга рухсат берилади (баъзида оёқ кийимлари устидан бахилалар кийилади). Аёллар намозга яланғоч қўллари ва очиқ боши билан кирмаслиги керак. Фаолият кўрсатаётган масжидда бир муддат қолиш учун ибодат қилувчидан ўзини тоза тутишлиги талаб қилинади: улар озода кийиниши, ўзини камтарона тутиши керак. Аёллар масжиднинг ёпиқ қисмида ёки уларга ажратилган алоҳида хоналарда ибодат қилишлари лозим[1].

Шундай қилиб, замонавий масжиднинг функционал ечими ва уни ҳажмий-режавий ташкиллаштиришда ислом дини анъаналарига мос каноник талабларнинг ҳисобга олиниши шартдир.

Ислом меъморчилигида унинг кўп асрлик тарихи давомида масжид биноларининг ҳажмий ва фазовий тузилишини яратиш учун кўплаб конструктив ва техник талаблар ишлаб чиқилган. Меъморий композициянинг асосий бош элементи ибодат зали ва

унинг қиблани белгиловчи меҳроб қисми бўлиши керак. Масжиднинг асосий ибодат зали устини ёпувчи гумбаз анъанавий равишда буни ташқи шаклларда аниқлашга ёрдам беради. Ибодат зали ва меҳроб масжиднинг ташқи шаклларида ҳам, масжид биносининг ички қисмида ҳам ўзининг аниқ ўрнига эга бўлиши керак.

Масжиднинг уч ўлчамли композициясида унинг ҳажмига нисбатан бўйсунувчи рол ўйнайдиган миноранинг ҳажми масжид меъморий композиция-нинг муҳим элементи ҳисобланади. Кўпинча бу масжиднинг шаҳарсозлик ҳолати билан боғлиқ бўлиб, миноранинг тик қомати шаҳар муҳити таркибида фаол ориентир ролини бажариши керак.

Масжид лойиҳасида қабул қилинган конструктив ечим, биринчи навбатда, бинонинг мустақамлигини таъминлаши керак. Диний бинони лойиҳалашда ибодат зали устини ёпиш ва шиф конструкциясига алоҳида эътибор берилиши керак. Масжид асосий ибодат залининг устини ёпиш конструкциясининг шаклини танлашда қуйидагиларга устувор аҳамият берилиши керак:

–анъанавий, яъни гумбазга яқин шакл. Масжидларда, одатда, гумбаз ибодат зали ва меҳробни ёпади. Ушбу шакл, яъни гумбаз замонавий масжидлар қурилишида ҳам анъанавий Ислом ибодатхонаси архитектурасининг образи сифатида кенг қўлланила бошланди;

– айна пайтда, гумбаз билан бирга, конструктив таянчларга эга бўлмаган катта ички бўшлиқларни ёпиш учун кенг ички майдонлар, фазовий конструкциялардан фойдаланиш

мумкин. Масалан, бундай фазовий тузилмаларга темир фермалар, рамалар, букланган конструктив тузилмалар ва бошқалар киради.

Замонавий масжидлар дизайнини ривожлантириш учун рағбатлантирувчи меъморий танловлар масжидлар архитектураси образини шакллантиришга муҳим таъсир кўрсатади. Шу билан бирга, ҳар бир замонавий масжид лойиҳасида бир неча зарур шартлар ҳисобга олиниши шарт бўлиб қолмоқда:

- меҳробни Каъбага йўналтириш, жума масжидида минбар (жума намозида имомнинг хутба ўқийдиган жойи) ва ибодат таҳорати учун жой. Рақобатбардош лойиҳалар, шубҳасиз, бадий образни излашда илғор меъморий йўналишларни, шунингдек, бундай тузилмаларнинг ички тузилишини шакллантиради.


Маҳаллий меъморларнинг рақобатбардош лойиҳаларида

аниқланган масжид меъморчилигини ривожлантиришдаги замонавий анъаналарнинг моҳияти Ислом ибодат меъморчилигининг шаклланиш тамойилларини қайта кўриб чиқишдан иборат бўлиб, у қуйидаги асосий хусусиятларда намоён бўлмоқда:

- биринчидан, бу анъанавий композицион схемаларни ижодий қайта кўриб чиқиш ва улардан замонавий шароитларда фойдаланиш(1-расм);

- иккинчидан, Ислом дини меъморчилигида осонгина таниб олинмаган қонуний қилинган шаклларнинг янги авангард талқинларини излаш (масалан, 2-3 расмлар);

-учинчидан, Ислом меъморчилигининг қонунлаштирилган шаклларида фойдаланмайдиган Ислом диний мажмуасининг мутлақо замонавий ифодасини излаш.



1-расм. Стамбул шаҳридаги Шакирин масжиди.



2- расм. Чеченистоннинг Аргун шаҳридаги Аймон Қодирова номидаги замонавий масжид

Ибодат бинолари архитектураси бу меъморий дизайннинг динамик ва хилма-хил соҳаси бўлиб қолмоқда, чунки Ислом диний бинолари шаклларининг ривожланиш жараёни ҳам узлуксиз ва хилма-хилдир. Масжид меъморчилигининг истиқболдаги ҳолати, бир томондан, унинг тарихий ўтмиши билан боғлиқ бўлса, бошқа томондан замонавий қурилишни прогноз қилиш, жамият ривожланишининг ижтимоий-иқтисодий шароитлари ва илмий изланишлар натижаларини ҳисобга олган ҳолда технологик тараққиёт тарзида асосланиши керак. Ҳар бир тарихий давр ва минтақавий эстетик маданият ўзига хос стандартларни таклиф этади. Ва охир оқибатда, дунё масжидлари архитектураси ҳам бошқа жамоат бинолари каби ушбу стандарт анъаналар, урф-одатлар, жамоатчилик фикри, илмий-техник инновациялар ва меъморий стандартлар билан белгиланади.

1991 йилдан 2022 йилгача бўлган даврда Ислом диний мажмуаларининг кенг қурилиши тажрибасини умумлаштириш ва Ўзбекистонда ибодат меъморчилигини лойиҳалаш ва қуриш соҳасида янги меъморий образларни яратиш учун хизмат қилди.

Ҳозирги босқичда масжидларни лойиҳалашнинг асосий мақсади ўзбек халқининг маънавий анъаналарига таяниш ва тикланиш учун энг қулай муҳит яратишдир. Ушбу мақсадга эришиш учун бир қатор вазифаларни ҳал қилиш зарур: шаҳарсозлик, функционал режалаштириш, бадиий декоратив, конструктив.

Замонавий масжидларнинг функционал ва меъморий-режалаштириш ечими бевосита жойнинг типологик хусусиятлари (аҳолиси, демографик таркиби, шаҳарнинг маъмурий ва иқтисодий мақсадига) боғлиқ.

Ўзбекистондаги замонавий масжидларни лойиҳалаш ва қуришда ҳозирча қуйидаги тамойилларга асосланиш мақсадга мувофиқдир:

- функционал мувофиқлик;
- визуал қулайлик;
- минтақавий ўзига хосликларни ҳисобга олиш.

**Функционал мувофиқлик тамойили** – бу масжиднинг функционал мақсадини ҳисобга олиш зарурати (жума куни жамоат намози учун жума масжиди, кундалик намоз учун маҳалла масжиди, Исломнинг йиллик байрамлари учун намоз масжиди).

**Визуал қулайлик тамойили.** Бу масжиднинг ўзига хос, ноёб қиёфасини



яратиш, анъана ва янгиликларни уйғунлаштиришдан иборат.

**Минтақавий ўзига хосликларни ҳисобга олиш тамойили бу-**диний объектларни лойиҳалаш ва қуришда маҳаллий иқлим шароити иқтисодий жиҳатлар, ҳудудий анъаналар ва услубий хусусиятларни ҳисобга олишдир.

Шундай қилиб, замонавий масжидларни лойиҳалашда янги назарий моделни

шакллантириш тарихий тажрибага, хорижий ва янги ўзбек масжидларининг ҳозирги ҳолатини таҳлил қилишга, рақобатбардош дизайн ва замонавий қурилиш технологиялари ва конструкцияларнинг имкониятларига, айниқса янги давр, Ўзбекистонда шаклланаётган янги Реннесанс даврининг ижтимоий-иқтисодий, исломий эстетик ва архитектураник талабларига асосланмоқ зарурдир.

## References:

1. Тамими А.Х. Общие принципы формирования архитектурно пла-нировочной структуры мечетей на основе мусульманского права Диссертация на соискание ученой степени кандидата архитектуры.-Ташкент: ТАСИ, 1994.
2. Садикова С.Ш. Современные тенденции формирования архитектуры мечетей (на примере Казахстана). Автореферат. канд. дисс.-Алмата, 2007.
3. Ртвеладзе Э.В., Аршавский З.А., Абдуллаев К.А. Древнейшая многоколонная мечет Средней Азии.-Журнал САУ, 1979, № 6.
4. Elmuradovna, J. E., Turdimurodovich, M. I., & Zuyadullayevich, Z. U. (2020). Modern tourist requirements in samarkand. International Journal of Scientific and Technology Research, 9(4), 1538-1540.
5. Нозилов Д.А. Марказий Осиё меъморчилигида интерьер.-Тошкент, 2005.
6. Уралов А.С. Марказий Осиёнинг ўтмишдаги жамоат бинолари архитектураси. - Самарканд, 2008.
7. Эль-Саадани Абу Эль-Футух Эль-Саадани. Пространственные принципы мечетей Египта. Автореферат. канд. дисс.-Баку, 2011.
8. Интернет материаллари: [www.bravedender.ru](http://www.bravedender.ru), [www.ankara.su](http://www.ankara.su), [www.islam.ru](http://www.islam.ru).
9. Maxmatqulov, I. T., & Sherqulova, D. G. (2022). SYMBOLIC MEANINGS AND CHARACTERISTICS OF PATTERNS AND DECORATIONS IN CENTRAL ASIAN ARCHITECTURAL MONUMENTS IN THE XIV-XV CENTURIES. Eurasian Journal of Academic Research, 2(2), 744-749.
10. Maxmatqulov, I. T., & Karimova, N. A. (2022). Analysis of the functional features of the buildings of the khanaka-the institution of Sufism in Central Asia. Texas Journal of Multidisciplinary Studies, 5, 46-51.
11. Maxmatqulov, I. T., & Zubaydullayev, U. Z. (2021). Typology of Architectural-Compositional Solutions of Khanaka Buildings in Central Asia. CENTRAL ASIAN JOURNAL OF ARTS AND DESIGN, 2(10), 27-29.



12. Maxmatqulov, I. T. (2022). Scientific analysis of the Erkurgan historical and archeological complex in Karshi district of Kashkadarya region. Journal of Architectural Design, 4, 27-31.
13. Elmuradovna, J. E. (2021). The Architecture of Karshi Castle, The Establishment, The Past and the Present. Middle European Scientific Bulletin, 18, 247-252.
14. Elmuradovna, J. E. (2021). Bukhara Registan: Past And Present. International Journal of Progressive Sciences and Technologies, 25(1), 160-166.
15. Jurayeva Elvira Elmuradovna. Processes of Architectural Formation of Registan Square in Samarkand. International journal of Scientific Engineering and Science ISSN(ONLINE)2456-7361.
16. Эшатов И., Баратов Х., Жўраев О. ЎРТА ОСИЁ ШАҲАРСОЗЛИК МАДАНИЯТИ ВА ТАРИХИЙ ШАҲАР МАРКАЗЛАРИНИ ЗАМОН ТАЛАБЛАРИГА МУВОФИҚ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ВА ҚАЙТА ТИКЛАШ //Актуальные научные исследования в современном мире. – 2017. – №. 6-3. – С. 54-56.